

**“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг  
Ягона акциядор 74– сон қарори**

Тошкент шаҳри

2023 йил “13” декабрь

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар 8 949 959 508 донани ташкил этади ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги унинг Ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан қуйидаги масала юзасидан қабул қилинди:

**“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ижроия органи аъзоларини тайинлаш.**

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Уставининг 46-бандига асосан жамият ижроия органи аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколати доирасига кириши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2023 йил 12 декабрдаги 16-2110хдфу-сон топшириғига мувофиқ қуйидаги номзодлар “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ раҳбар лавозимларига тайинланишига розилик берилган:

Нарзуллаев Зуфар Ғиясович “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раиси лавозимиغا;

Рахметов Хикматулла Нарзуллаевич “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раисининг трансформация, рақамлаштириш ва молия бўйича биринчи ўринбосари лавозимиغا;

Хасилов Хуснутдин Нуриддинович “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бош муҳандиси лавозимиغا;

Камилджанов Абдумалик Абдувахитович “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раисининг ташишлар ва логистика бўйича ўринбосари лавозимиغا;

Ризаев Элёр Абдумаликович “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раисининг темир йўл объектларини таъмирлаш ва қуриш бўйича ўринбосари лавозимиغا;

Юсупов Жамолбек Зокир ўғли “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раисининг режим ва кадрлар бўйича ўринбосари лавозимига.

Бундан ташқари, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раисининг ўринбосарлари вазифасини бажарувчи сифатида ишлаб келаётган Камалов Акмал Сайдакбарович, Раджапов Мансур Кучкарович ва Омонов Хайитбай Ахмадалиевичларни бошқа ишга ўтишлари муносабати билан эгаллаб турган лавозимларидан озод этишга розилик олинди.

**Кун тартибдаги масала юзасидан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ягона акциядори қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 79-моддасига биноан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раисининг ўринбосарлари вазифасини бажарувчи сифатида ишлаб келаётган Камалов Акмал Сайдакбарович, Раджапов Мансур Кучкарович ва Омонов Хайитбай Ахмадалиевичларни билан тузилган меҳнат шартномалари бошқа ишга ўтишлари муносабати билан бекор қилинсин.

2. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви қуйидаги тартибда сайлансин:

Нарзуллаев Зуфар Ғиясович - “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раиси;

Раҳметов Хикматулла Нарзуллаевич - “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раисининг трансформация, рақамлаштириш ва молия бўйича биринчи ўринбосари;

Ҳасилов Хуснутдин Нуриддинович - “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бош муҳандиси;


Камилджанов Абдумалик Абдувахитович - “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раисининг ташишлар ва логистика бўйича ўринбосари;

Ризаев Элёр Абдумаликович - “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раисининг темир йўл объектларини таъмирлаш ва қуриш бўйича ўринбосари;

Юсупов Жамолбек Зокир ўғли - “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раисининг режим ва кадрлар бўйича ўринбосари.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Кузатув кенгаши зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодий ва молия вазирининг  
ўринбосари



Б. Ходжаев